

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

YURIDIK GAZETA

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Э.Т.Жўраевни ва П.Р.Бобожонови
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори-
нинг ўринбосарлари этиб тайинлаш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-мод-
даси 9-бандига мувофиқ;
Эшдавлат Турсунович Жўраев — Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош прокурорининг ўринбосари — Тергов бош
бошқармасининг бошлиғи;

Пўлат Раззоқович Бобожонов — Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлан-
синлар.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри

9 ноябрь, 2000 йил

И.Каримов

ЭШДАВЛАТ ЖЎРАЕВ

Жўраев Эшдавлат Турсунович 1960 йилда туғил-
ган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Эшдавлат Турсунович Жўраев меҳнат фаолияти-
ни 1984 йил Москва гарнизони ҳарбий прокуратура-
сининг терговчиси вазифасини бажарувчи сифатида
бошлаган. 1985-1998 йилларда Сурхондарё вилояти
Музработ тумани прокуратураси, шу вилоятнинг
Жарқўрғон тумани прокуратураси терговчиси, Тер-
миз шаҳар прокурорининг ўринбосари, Сурхондарё
вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бош-
лиғи, шу вилоятнинг Ангор тумани прокурори, Сур-
хондарё вилоят прокурорининг ўринбосари вазифа-
ларида ишлаб келган. 1998-2000 йилларда Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти девони консультан-
ти, Хоразм вилояти прокурори, 2000 йил июлдан
ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Президенти
девонининг адлия, прокуратура ва суд масалалари
бўйича Бош инспектори лавозимларида ишлаган.

ПЎЛАТ БОБОЖОНОВ

Бобожонов Пўлат Раззоқович 1961 йилда туғил-
ган, миллати ўзбек, олий маълумотли ҳуқуқшунос.

Пўлат Раззоқович Бобожонов меҳнат фаолиятини
1982 йилдан бошлаган. 1982-1999 йилларда Хоразм
вилояти Гурлан тумани прокурорининг ёрдамчиси,
шу вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими-
нинг прокурори, умумий назорат бўлими бошлиғи,
Гурлан тумани прокурори, Богот тумани ҳокимининг
биринчи ўринбосари, Хоразм вилоят ҳокимининг
ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1999-2000 йил-
да Ўзбекистон Республикаси Президенти девони
етакчи консультанти, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг ташкилий-кадрлар ишлари бўйича
Давлат маслаҳатчиси хизматининг ҳудудий орган-
лар кадрлари билан ишлаш шўъбаси бош инспекто-
ри вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаб
келган.

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ
БАЙРОНИ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



Ўзбекистон байроғи
жаҳондаги энг нуфузли
ҳалқаро ташкилот —
БМТ биносида Ватани-
миз рамзи сифатида
ҳилпираб турибди.

Бу байроқ дунё томи
ҳисобланган Ҳимолай-
нинг Эверест чўққиси
узра ҳилпиради.

МУШОҲАДА

«ХУҚУҚ» СИЗНИКИ, БИЗНИКИ,
ҲАММАМИЗНИКИ

Бизнинг «Хуқуқ» газетамизга обуначиларни жалб қилиш осон кечмаяпти. Бироқ ҳеч
иккиланмай таъкидлашим мумкинки, газеталарнинг мавқеини, рейтинг даражасини
айнан обуна ифодаламайди. Менинг назаримда бунинг бир неча сабаблари борга
ўхшайди.

Биринчиси — кучли рақобат. Ахборотни аҳолига қулайроқ тарзда зудлик билан узатиш
борасида электрон ахборот воситалари газеталарни четга суриб қўйгандек. Телевиде-
ние, радио, электрон почтанинг қулайликларини санайверсанг... Айниқса визуал ахборот
воситаси сифатида телевидение яққол устунлик қилмоқда. Шу ўринда психолог олимлар-
нинг фикри эътиборга лойиқ. Тасвир тез қабул қилинувчан ва миёда тез қайта ишлана-
диган ахборотдир. Айниқса, у товуш билан бойитилганда мия ортқча зўриқмайди. Энди
ёзув билан берилган ахборотни олиб кўрайлик. У ҳарфлар боғланмасидан иборат,
шартли белгилардан тузилган тасвирдир. У миёга ўтказилиб, ишланиши жараёнида
воқеа-ҳодисанинг ҳақиқий тасвирига айлантирилади ва бунда мия икки баравар зўриқа-
ди. Ана энди ўзингиз қийслайверинг.

Қайси бири афзал, газетами ёки телевидение? Бунинг устига телевизион кўрсатувлар
бепул ёки арзон эканлигини эътиборга олсак кўп нарса ойдинлашади. Кейинги ўн-ўн беш
йилда телевидение ўта ривожланди. У аста-секин театр, кино ва ҳаттоки адабиёт билан
ҳам рақобатда киришди. Натижани эса кўриб турибмиз.

(Давоми 2-бетда.)

Ушбу сонда

МАКТУБ —
ЯРИМ ДИЙДОР

Самимият яхши
хусусият. Аммо битта
мактубдан еттига
нуса кўчириб, етти
жойга жўнатиш
муаллифларнинг
самимийлигидан
дарак бермайди.

ҲАМЖИХАТЛИК

Аввало, шу нарсани айтиб
ўтиш керакки, жиноятлар
содир этилишининг
асосий сабаби ишсизлик-
дир. Ўзингиз ўйлаб кўринг,
ҳеч жойда ишламайдиган,
ўқимайдиган ўспирин нима
билан шуғулланади?
Вақтини қандай ўтказади?

«КЎХИНУР» ҲАҚИҚИЙ
ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

«Кўхинур» олмоси
Буюк Британияга
бундан 150 йил
муқаддам Хинди-
стондан келти-
рилган эди. Бу
қимматбаҳо
жавоҳирни узок
вақт олиб юриш
бахти ҳеч кимга
насиб қилмаган.



XXI асрнинг ilk йилида
ҳам «Хуқуқ» газетаси ва
«Қонун ҳимоясида»
журнали ҳар бир хонадон-
га кириб борсин, Сизлар
билан ҳамкорлигимиз
янада мустаҳкамлансин.
2001 йил учун нашрлари-
мизга обуна давом этаёт-
ганлигини яна бир бор
эслатиб ўтамоиз:
«Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоя-
сида» — бу Сизнинг
минбарингиз. Бу —
мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839,
840.

«Хуқуқ» — 231, 232.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischi

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:**A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahifalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 1049
Nusxasi - 12925

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.30

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Naybachi muharrir
J. SHAROFBOEV
Naybachi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8**МУШОААДА****«ХУҚУҚ» СИЗНИКИ,
БИЗНИКИ,
ҲАММАМИЗНИКИ**

(Бошланғичи 1-бетда.)

Иккинчи бир сабаб — газеталарнинг одамлар турмушида ўрни камайганлигида, чоғи. Эндиликда кишиларнинг маънавий ҳаётида, кундалик фаолиятида газеталарга эҳтиёж камайгандек. Тўғри, эндиликда ҳеч бир шахс ўз-ўзича мустақил ҳаёт кечиролмайди. Унинг ҳаёти бошқалар тақдирини билан боғланиб кетган. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида бу яққол сезилади. Шу ўринда ахборотнинг ўрни бекиёди.

Лекин пировардини айтганда газеталарнинг ҳам афзалликлари бор. Буни кунига ўн беш миллиондан ортиқ нускада нашр этиладиган, жаҳоннинг турли бурчақларида етказиладиган «Таймс», «Нью-Йорк Таймс» ёки шунга ўхшаш Япония ва Европанинг етакчи газеталари ҳам тасдиқлайди. Ҳамма гап газеталарнинг бозор иқтисодиёти талаблари ва замон билан ҳамнафаслигида. Қизиғи шундаки, ушбу газеталар ҳам ўзларини фақатгина ахборот етказиш билан боғлиқ журналистик фаолияти билан ҳаракатларини қоплай оlishмас экан. Реклама ва тижорат аҳамиятидаги

эълонлар туфайлигина фойда олинаркан. Шу ўринда мамлакатимиз газеталари обунасига тўққинлик қилаётган бир ҳол ёдга тушади. Аҳоли томонидан газеталарга обунанинг қимматлиги гоҳида таъкидланади. Лекин инсоф юзасидан айтганда бир йиллик обуна қийматидан ошқоқ бўлган маблагнинг бир ўтиришда уч-тўрт кишилик «гурунг»га сарфлаб юборилиши унчалик ҳам оғир ботмайди. Яқинда бир дўстим гаштак учун 20 минг сўм сарфлаганлигини бамай-хотир гапириб қолди. У оддийгина курилиш ишчиси. Ҳамма гап истак-хоҳишда.

Энди сиз билан бизнинг «Хуқуқ»имиз тўғрисида гапирсак, кейинги вақтда у ўз мавқеини анчагина мустаҳкамлаб олди. Нуфузи ортиб бораётган газетамизнинг обуначилари сони ҳам ортиши кутилмоқда. Бу бежиз эмас. Кейинги олти ой мобайнида газетамиз, анчагина ўзгарди. У ўзининг жиддийлиги, вазминлиги билан биргаликда «самимийлашиб» қолди. Буни кўпчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинган «Қорни тўқ раис», «Шариповнинг

айби нима?», «51 фоиз моҳароси» каби муаммоли мақолалар, турли рух ва жанрлардаги бошқа материаллар, шарҳ, таҳлил ва хабарлар ҳам тасдиқлайди. Шу ўринда газетамизни кимлар ўқимокда, деган савол туғилади. Ўқувчиларнинг турли «аудитория»га (савия, касб жиҳатидан) мансуб эканлиги эътиборга олинса, бу масала чуқурроқ таҳлил қилинса, газета учун фақат фойдали бўларди. Айтайлик газета ўз соҳасини чуқур биладиган юрист учун ҳам, оддий чорвадор, фермер учун ҳам бирдай фойдали, қизиқarli бўла олмакдими? Мана муаммо қаерда. Менимча масалани қайта-қайта шундай тарзда қўйиш фақат фойдали.

Яна бир тақдир, газетанинг тижорат аҳамиятини орттириш лозим. Газетада ҳафталик телекўрсатувлар дастурини, реклама ва эълонларни жойлаштириш керак. Шундан кейин унинг сотувдаги сони ортишга иймонимиз қомил. Чунки газета ҳам бозорга чиқади. Буни бозор қонунияти, аҳоли эҳтиёжи талаб қилади.

Янги минг йилликда сизнинг хонадонингизда «Хуқуқ» орқали учрашиш, Сиз билан яхши суҳбатдош бўлиш орузида билан яшаёмиз.

Биз, журналистлар Сизга етказётган ахборотимиз фойда келтириш учун ҳаракат қилаверамиз. Фаолиятимизни эса доимо ҳолис баҳолаб бормоқдамиз ва шундай бўлиб қолажак...

А.МУСТАФОКУЛОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

ҲАМКОРЛИК**МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН**

Яқинда Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Алмати шаҳрида халқаро уюшган жиноятчилик муаммоларига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси анжуманга Тошкент ва Нукус шаҳри, Фарғона ва Бухоро вилоятлари прокуратуралари, Республика Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг бир гуруҳ ходимларидан иборат таркибда ташриф бурди. Шунингдек, конференцияда Тожикистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари 1993 йилдан бошлаб жиноий унсурлар пайини қирқишга қаратилган кенг қўламли тадбирларни амалга оширишга киришди. Бунинг самараси ўлароқ, жиноий гуруҳлар томонидан ўта оғир жиноятлар содир этиш кескин камайди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят Кодекси қабул қилиниб, унда муайян жиноятни содир этишда уюшганлик ва уюшган жиноятчилик тушунчаларига аниқлик киритилди, бу эса айрим жиноий ишларда хатти-ҳаракатларни малакалашдаги хато-ларга ҳамда суд органлари ўртасидаги мунозаларга чек қўйди.

Р.Ҳақимов Ўзбекистонда бу борада тўпланган муайян тажриба ҳақида гапириб, ҳозирги кунда Республика Олий Судда Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиёв, С.Мадаминов ва бошқаларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши қўрилатганини, мазкур иш бўйича айблов ҳулосаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганлигини, унда юқоридаги шахсларнинг республикамизда содир этган барча хунрезликлари баён этилганлигини таъкидлади.

Анжуманда уюшган жиноятчиликка қарши кураш усулларини такомиллаштиришда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва чет эл давлатларидан жиноий ишга оид далилларни олишнинг аҳамияти ҳақида атрофлича мунозара юритилди.

Унинг иштирокчилари нафақат уюшган жиноятчиликка, айни пайтда унинг ҳар қандай қўрилишларига қарши курашда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур, деган яқдил ҳулосага келдилар.

(Ўз муҳбири)из)

**ДЎППИ ТОР
КЕЛГАЧ...**

Ўзбекистон Олий Судда террорчилик, кўплаб қотилликлар содир этиш, мамлакат Президенти ҳаётига суиқасд ҳамда давлатнинг конституцийий тузумига даҳл қилишда айбланувчилар қуроли жиноятчи гуруҳлар бошлиқлари устидан олиб борилаётган суд жараёни ниҳоясига етмоқда.

Айбланувчиларнинг 12 тасидан фақат уч нафаригина қора курсида ўтиришибди. Бош «доҳийлар» жумладан, Жумабой Хожиев (Жума Намонгоний), Тоҳир Йўлдошев ҳамда кўпроқ Мухаммад Солиҳ номи билан танилган «адиб» Салай Мадаминовлар дўппи тор келгач, чет элларда қочиб юришибди.

Суд мобайнида 700 дан ортиқ жабрланувчи, жумладан, давлат автомобиль инспекцияси майорининг икки ўғли ҳам кўрсатма бериб бўлишди. Судланаётганлардан бири бошчилик қилган жиноий гуруҳ аъзолари майорни ваҳшийларча ўлдириш билан кифояланмай, танасидан жудо қилинган бошни целлофан қопчога солиб, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошчилигининг биринчи ўринбосари яшаётган уй дарвозасига илбик кетишган. Етим қолган икки ўсмир бу мудҳиш фожеадан ҳали-хануз ўзларига келишолмайдди.

Мустақил ҳуқуқшуносларнинг фикрича, судга тақдим этилган ҳужжатлар, гувоҳлар берган кўрсатмаларнинг ўзбек айбланувчилар устидан аёвсиз ҳукм чиқаришга, айни пайтда уларни тутиб топшириш ҳақидаги илтимоснома билан дунёдаги барча мамлакатлар ҳукуматларига мурожаат қилишга тўла асос бўлади.

Буни яхши тушунган жиноятчи гуруҳлар раҳбарларининг айримлари янада ишончлироқ бошпана қидиришга мажбур бўлаётган бўлса, баъзилари жон талвасасида ўзларини мусича беозор қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Жумладан, ўзини демократик муҳолифат раҳбари, деб жар солаётган Салай Мадаминов (Мухаммад Солиҳ) яқинда Ўзбекистон ҳукумати унинг ҳаёти ҳавфсизлигига кафолат берса, адвокатлари билан судда ҳозир бўлишга тайёр эканлиги ҳақида баёнот берди.

Мазкур суд жараёнига расмий қилаётган, Олий Суд Раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамоловдан мен Салай Мадаминов бешодини шарҳлаб беришни сўрадим.

— Бу ҳақда ҳеч ким судга расман мурожаат этмаган, — деди у, — демек, баёнотни шарҳлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Саволидига келсак, унга қўйиладиган жавоб беришим мумкин: ҳар бир судланувчи-га жиноят-процессуал қонунчилигининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшма Халқаро ҳуқуқ ва Декларацияларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таалуқли барча меъёрлари қўлла-нилиши кафолатланади.

В.БИРЮКОВ,

(«Труд» газетасидан олинди)

ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

ПРОКУРОР МУЛОҲАЗАЛАРИ

«НИМА УЧУН ОЛДИНИ ОЛМАЙСИЗ?»

ЙЎҚОТИШ АФЗАЛМИ ЁКИ АНИҚЛАШ?

Гиевандликка қарши оммавий курашни хонадондан бошлаш зарур. Гиевандликни аср вабоси дейдилар. Бу шундай вабоки, чегара билмайди, ёш танламайди. Турли ёшдаги кишиларни ўз домига тартади ва улар ишлаётган, истиқомат қилаётган муҳитга оғусини сочади. Гиевандликка қарши кураш бутун дунёда кескин масала қилиб қўйилган экан, бундан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Бу ҳуқуқ-тартибот идораларининг ёки жамоатчиликнинг иши деб ажратиб ўтириш иллат фойдасига иш қўриш демакдир.

Боғу даштларда, томорқаларда экин майдонларида ўсадиган турли гиевандлик экинларини аниқлаш, йўқотиш кенг миқёсдаги иш. Бу билан қонунни муҳофаза қиладиган идоралар ходимлари қатъий шугулланиши шубҳасиз.

Мен масаланинг яна бир томони — оила, хонадонда зарарли оғуға қарши кураш ҳақида мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Қўлимда кейинги уч йилликда аниқланган рақамлар турибди. Туманимиз бўйича гиевандлик экинлари етиштириш бўйича 1997 йилда 22 та, 1998 йилда яна 22 та, 1999 йилда эса 12 та ҳолат аниқланган. Очигини айтман: бу рақамлар менда шубҳа уйғотади. Ва мен нега деган саволга ҳам жавоб бераман.

Туман прокуратураси ташаббуси билан бундан уч йил аввал қишлоқ ва фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда йиғилишлар ўтказдик. Уларда барча фаоллар, ички ишлар бўливлари нозирлари, маҳалла оқсоқоллари қатнашдилар. Ҳар бир хонадон эгасидан «томорқамда кўкнори ёки наشا ўсимликлари пайдо бўлган заҳоти йўқотаман», деган мазмунда хатлар олинди. Учасига нозирлари зиммасига бунчи қаттиқ назорат қилиш юқлатилди. Лекин... рақамларни эсланг. Таъкидланган ўсимликни экиш, парваришлаш, сақлаш ҳоллари рўй бераверди. Бу ҳолатлар махсус операция даврида аниқланди.

Маълумки, ички ишлар вазирлиги ҳар йили май-июнь ойларида «Қорадори» операциясини ўтказида. Талаб қаттиқ бўлади. Аниқлаш ва аниқлаш керак. Операция натижаси ўлароқ бир қанча шахс жиноий жавабгарликка тортилди. Бунинг олдини олиш мумкин эдими? Ҳа, мумкин эди! Операция бошланмасдан аввал март-апрель ойларида хонадонларнинг томорқаларида гиевандлик ўсимликлари кўкка буй қўзиб аёқол кўриниб қолади: Эътибор беринг, аҳоли эиц яшайдиган туманимиз қишлоқларида 4-5 сотих борингки, 10 сотих атрофида томорқалар мавжуд. Бу ерларда нима ўсаётганлигини билиб олиш учун кўп вақт талаб қилинмайдми. Ўз ҳудудидида хонадонларнинг ҳаммасига кириб, тушунтириш ишларини олиб боровчи участка нозирлари ва бошқа ички ишлар ходимлари уларни йўқотиш чорасини кўрса, «Қорадори» операциясини ўтказишга ҳолат қолмас эди. Афсуски...

Ички ишлар органларининг махсус тадбирига қарши чиқиш фикридан йироқман. Фақат мен жиноятни аниқлашдан кўра уни олдини олиш мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрдаман.

Ички ишлар ходимларидан ҳар йили, қайтариб айтаман, нечта хонадонда қанча кўкнори, наша ўсимликлари экилганлигини аниқлаш талаб қилинади-ю, нима учун бу экинларни экишга йўл қўйилганлиги масаласи четда қолиб кетади.

Шуни алоҳида таъкидлайман. Мен бутун бошли ички ишлар тизими хизматини инкор этмаяпман. Жуда катта ишлар қилинмоқда ва уларни ҳаммамиз қўриб, билиб турибмиз. Ҳамма ходимлар шаънига ҳам асосиз таъна қилмоқчи эмасман. Улар орасида софдил, ўз ишининг ҳақиқий фидойилари жуда кўп. Агар шундай бўлмаганда юртда тинчлик, оидойишалик бўлмасди.

Бу мулоҳазалар гиевандлик иллатига қарши кураш жараёнида туғилган. Суднинг қора курсидада ўтирган шахсларни қўриб, уларни бу ерга келтирмаслик, жиноятнинг олдини олиш мумкин эди-ку, деган савол туғилади менда. Яна бир масала: аксарият ҳолларда кекса ёшдаги кишилар, набираларининг даврасида насихат қилиб ўтирадиган отахонлар, онахонлар жиноят балосига рўнара қилинади. «Уларни давлат кечиради, енгиллик беради», — деган сохта фикрдаги фарзандлар орийат, андиша, номус туйғуларининг юзига тупурадилар. Қонунда ёш қари тенг. Аслида жиноятни содир этувчи шахслар қўриб, бошқа шахслар жавабгарликка тортилаётгани ҳам кишида шубҳа уйғотади.

Гиевандликка қарши курашни мана шунинг учун ҳам хонадонларда бошлаш керак дедимкиман. Очиги, бундай экинлар парварши қилинмаслиги шарт. Бунчи ҳамма билиши, бу иллатдан ҳазар қилиш лозим. (Гиевандлик моддаларини сақлаш ва истеъмол қилиш алоҳида масала). Айниқса, маънавиятимизни бойитиш, миллий ғоя ва мафкураминизни шакллантириш жараёнида ҳаётимизга шубҳасиз «огир юк» бўлиб келаётган гиевандликнинг ижтимоий илдишларига барҳам бериш зарур.

Н.ХОЛМАТОВ,
Олтинқул тумани прокурори

ТАҲЛИЛ

МАКТУБ — ЯРИМ ДИЙДОР

Ҳадемай тарихий ҳодиса юз беради — инсоният ҳаётида учинчи минг йиллик бошланади. 21 аср ҳар жабҳада тараққиёт, юксалиш асри бўлиши шубҳасиз. Дейлик, бугун Ўзбекистон аҳолисининг юздан бир қисми фойдаланаётган чўнтак телефонлари янги асрда кўчадаги фаррошлар ҳам фойдаланадиган оддий матоҳга айланар. Аммо ишонаманки, ўшанда ҳам хатлар инсонларни бир-бирига боғловчи муҳим алоқа воситаси бўлиб қолаверарди. Ахир ким умрида бироврга хат ёзиб, ундан жавоб кутмаган?

Хатлар — кўнгил ойнаси. Очигини айтиш керак, ўқувчилардан хат олган кўнимиз биз учун байрамдай гап. Демак, улар газетамизга нисбатан бефарқ эмаслар.

Тахририятимиз йил бошидан шу кунгача газетхонлардан 400 дан зиёд хат олди. Улар орасида мақола, ҳикоя, шеър, табрик, кроссворд, ариза ва шикоятлар бор. Адабиёт газетаси бўлмасак-да, мухлисларимиз бизга ҳикоя ва шеърлар жўнатаётганлиги қувонарлидир. Навоийлик Мирсаид Мавлоновнинг ҳикоялари, сурхондарёлик Дилбанд Абраева, бухоролик Нилуфар Уринова, тошкентлик Камолддин Илмоҳовнинг шеърлари шулар жумласидан. Уларнинг аксарияти газетамиз саҳифаларида эълон қилинган.

Висолнинг ваъда этсанг. Минг йил сабр этгүмдир. Қаламимдан айрилмас гар Қоним-ла шеър битгүмдир.

Бу мисраларни тошкентлик мухлисимиз Хосият Исоевнинг муҳаббат ҳақидаги шеъриндан олдик. Шеър адабиётнинг юксак талабларига жавоб бермасда-да, гоёт салимийлиги билан эътиборимизни тортди.

Самимият яхши хусусият. Аммо битта мактубдан еттига нусха кўчириб, етти жойга жўнатиш муаллифларнинг самимийлигидан дарак бермайди. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Деҳқонobod» жамоа ҳўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан келган шикоят хати биздан ташқари «Адолат», «Қишлоқ ҳаёти», «Халқ сўзи» газеталарига, яна учта юқори турувчи ташиқлотга жўнатилибди. Мухлис-

ларимиз бизни маъзур тутсинлар, ушбу хат билан шугулланишни лозим топмадик. Бухоро вилояти Қоракўл туманида яшовчи Хайдар Ил-ёсовнинг мактуби юзасидан ҳам шундай дейиш мумкин. Бироқ бу тахририятга келаётган шикоятлар эътиборсиз қолар экан, дегани эмас.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бизга келаётган хатларнинг аксариятини ариза ва шикоятлар ташкил қиладди. Ҳар бир шикоят ортида бир инсон кўз тикиб турганлигини ҳис қилиб, улар билан алоҳида шугулланамиз. Лозим топилгани газетамизда эълон қилинади, қолгани текшириб, чора қўриш учун тегишли ташиқлотларга жўнатилади.

Шу йил 26 сентябрь кун тахририятга Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини «Тўққизбоғ» маҳалласида яшовчи Хурмирза Хайдаровдан хат келди. Хатдан парча келтирмиз: «1991 йили Киргизистон фуқароси Раъно Хайдарова (Тўрақулова)га уйлانганман. 1997 йилгача бирга яшадик. Оилавий келишмовчилик туфайли 1997 йил кунда Пахтаобод туман судига ниҳончи бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилдим. Биринчи аризамни қабул қилишмади. 1998 йил мартада иккинчи бор ариза бердим. Ниҳоят 2000 йил март ойда қонуний ажрашдик ва суднинг қарори билан 1991 йили туғилган қизимиз Зарифа, 1994 йили туғилган ўғлимиз Абдуллажон менинг қарамоғимда қолди. Орадан беш ой ўтгандан кейин Избоскан туман суди Р.Хайдарованинг даъво аризасига кўра ишчи қайта кўриб чиқди ва икки нафар фарзандим мен билан яшаб турган бўлишига қарамай, Р.Хайдарова фойдасига алимент ундириш ҳақида қарор чиқарди. Хозирги кунда Р.Хайдарова 10-15 кунда бир марта бизникига келиб, уй талашини, жанжал қилишни одат қилиб олди. Қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг насихати унга қор қилма-япти.

Адолат тикланишига ёрдам бериш зарур.

Ушбу шикоят юзасидан Пахтаобод туман прокурори М.Кимсанов имзоси билан олинган жавоб хатида шундай дейилади: «...Избоскан

туман суди томонидан ФПКнинг 312-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган, яъни фарзандлар Р.Хайдаров қарамоғида эканлиги, бу ҳақда Пахтаобод туман судининг қарори (1.03.2000) мавжудлиги ўрганиб чиқилмасдан, ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Шу сабабли ФПКнинг 349-351-моддаларини қўлаб, Р.Хайдарова даъвогарлигидаги ва Р.Хайдаров жавобгарлигидаги алимент ундириш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан Избоскан туман судининг 2000 йил 24 июлдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб, вилоят суди раёсатига протест киритиш ҳақида вилоят прокуратурасига 19 октябрь кун тақдиднома киритилди.

Вилоят прокуратураси Избоскан туман суди қарорини бекор қилиш ҳақида вилоят суди раёсатига протест киритди».

Уйлаймики, протест қозонатлан-тирилиб, адолат қарор топади.

Биргина шарҳимизда ҳар бир хатга алоҳида тўхталишни иложи йўқ. Пискентлик Ҳалима Мухтомова ўз хатида туман прокуратураси аралашуви билан бузилган ҳуқуқи тиклангани ҳақида ёзаб, бовевуллик Абдугўни ҳожи Қорабек ўғли яхшилик ва ёмонлик, инсон умри моҳияти ҳақида мулоҳаза юритади. Шу ўринда газетамизда чоп этилган мақолалар юзасидан мулоҳаза билдирган қашқадарёлик И.Тўйғунов, тошкентлик Р.Йўлдошев, жиззаклик Т.Ҳасанов ва сурхондарёлик Тўшбури Шониев ўғли каби мухлисларимиз амин-натдорчилик билдирмиш.

Икки оғиз статистика ҳақида. Келаётган хатларнинг географияси ҳам биз учун қизик. Дейлик, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидан келаётган хатлар 140 тадан ошгани ҳолда, Қорақалпоғистон, Навоий, Фарғонадан олган хатларимизни қўшганда ҳам ўттизгача етмайди. Ҳолбуки, мазкур вилоятлардаги обунчаларимиз Самарқанд ёки Сурхондарёдан ҳам эмас.

Айни кунларда жойларда газетамизга обуна давом этмоқда. «Хуқуқ»ни ўзига сирдош, ҳамфикр деб билганлар билан янги йилда ҳам мулоқотимиз давом этади.

Ҳасан НИШОНОВ

ШАХСИЙ ФИКР

ХОИНЛАР ПАЙНИ ҚИРҚАЙЛИК

Мен Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиёвлар қилмиши тўғрисида тўқсонинчи йиллар бошида эшитган-дим. Бу ҳақда менга ўша даврда Наманган вилоят прокурори лавозимига ишлаган Чори Жўраев батафсил гапириб берган эди. Прокуратура томонидан ушбу шахслар ва уларнинг бир гуруҳ жиноий шерикларига нисбатан эълон қилинган айбномада бу нокасларнинг асл башараси яна бир бор очиб ташланди.

Бугунги кунда Сариосиё, Ўзун, Бўстонлик туманлари ва Тошкент шаҳрида содир этилган қўнгилсиз воқеаларнинг ташиқлотчилари ҳам худди шу кимсалар эканлиги аён бўлиб қолди. Бу ҳақда уларнинг ўзлари ҳам хоржик оммавий ахборот воситалари орқали қишқиларида сурбатларча керилиб гапирган.

Бу икки шахс ҳаёт йўлига назар ташлаб, шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, улар мол-дунё учун ҳар қандай пасткашлиқдан ҳам тап тортмайдиган, шу билан бирга амалпарастлик «дард»ига йўлққан, инсонийлик қиефасини бутунлай йўқотган ноҳокорлардир.

Ким бўлишдан қатъий назар Ватанга, халққа қарши жиноятта бош қўшган хоинларга нисбатан ҳеч қандай шафқат бўлиши мумкин эмас. Вақти-соати келиб улар албатта ўз жазоларини олишади. Бунга шак-шубҳа йўқ. «Прокуратура айбномаси» эса ана шу йўлдаги дастлабки қадамдир. Шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида мени кўпроқ масаланинг бошқа жиҳати ўйлантиради.

Агарда уларга қимлардир эргашмаса, хайрихоҳлик билдирмаса, Йўлдошев ва Ҳожиёвларнинг қўлидан

зашакнинг тушовини ечиш ҳам келмайди. Халқ қўллаб-қувватламаган кимса, бамисоли қанотсиз қушдир. Шундай экан, биз биринчи навбатда ватанфуруш хоинлар пайни қирқш чорасини кўрмоғимиз даркор.

Юртбошимиз ниҳоятда бағрикенглик қилдилар. Адашиб диний-экстремистик гуруҳларга кириб қолган шахсларни авф этишга фармон бердилар. Бу шайтон васвасасига учиб, ёт ўлкаларда тентираб юрган айрим ҳамюртларимиз тўғри йўл танлашлари учун берилган гоёт катта имкониятдир.

Хали ҳам кеч эмас. Кимки, сидқидилдан тавба қилса, унинг гуноҳидан кечишади. Президент Фармонига бунга қаролатди. Сарсон-саргардон бўлиб юрган йиғитларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари уларнинг қўлогига яхшилаб ана шу гапларни қуйишлари лозим. Қани эди, имкон қадар уларнинг кўпроғи пок ният ила Ватанларига қайтишса.

Афсуски, юртимизда ҳам билиб-билмай турли хил зарарли оқим ва гуруҳларга аъзо бўлганлар йўқ эмас. Уларнинг орасида ҳали гўр, ҳаётнинг паст-баландига тушунмайдиган ёшлар ҳам борлиги, айниқса ачинарлилар.

Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, дейишади. Энди бошқаларни бундай балолардан асрайлик. Токи иллатнинг томири заминдан узилсин.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
журналист

ТАШАББУС

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш муаммоси барча даврларда жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турганлиги сир эмас. Давлатимиз миллий мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг қабул қилинган дастлабки меъёрий ҳужжатлардан бири ёшлар тўғрисидаги қонун эканлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, вояга етмаганларнинг маънавий-маданий етуқлиги, соғломлиги давлатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

Бироқ кейинги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг ошиб бораётганлиги, ёшларнинг турли гуруҳларга аралашиб қолаётганлиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини кучайтиришни тақозо қилди. Президентимиз ташаббуси билан «2000 йил - Соғлом авлод йили» деб эълон қилинишининг туб моҳияти ҳам шунга бориб тақалади. Янги таркибда иш бошлаган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси қилиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг тайинланиши ҳам прокуратура идоралари ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Бундан ташқари, вояга етмаганларни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва жисмоний жиҳатдан етук, эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари қилиб вояга етказиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим.

Хўш, бунинг учун нима қилишимиз керак?

Албатта, бунинг ундаш учун қилидиган ишнинг адоғи йўқ. Бироқ ҳар бир одам бу йўлда битта ибрат кўрсатса, назаримда, шунинг ўзи етатидигандек. Мен бу фикрга ўз-ўзидан келмадим.

Яқинда хизмат сафари билан Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманида бўлгандим. Туман прокурори Фахриддин Жумаев ташаббуси билан

«ПРОКУРОР МАКТАБИ»

«Соғломлаштириш маркази» ташкил этилганлигини эшитиб, қизиқиб қолдим. Туман аҳолиси мазкур марказни шахсан туман прокурорининг ўзи ташкил қилганлиги учун «Прокурор мактаби» деб аташаркан. Қизиқ, шундай эмасми? Ахир туман прокурори мактаб ташкил қилиши мумкинми? Ҳа, мумкин экан. Қанақа, дейсизми? Унда эшитинг.

Ф. Жумаев вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга нисбатан фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш орқали жиноятчилик сонини камайтириш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, жиноят содир этган, жиноят содир этишга мойил, бундан ташқари, нотинч оилада ўсаётган ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш мақсадида жорий йилнинг март ойда «Соғломлаштириш маркази»ни ташкил қилди. Ёшлар бу ерда қаратэнинг аънаваный тури ҳисобланмиш «Фудокан» тури билан шуғулланиши мумкин эди. «Соғломлаштириш маркази»нинг Президенти қилиб қаратэнинг мазкур усули устаси З. Болтаев тайинланди. З. Болтаев марказда иш бошлашдан олдин мактабда ўқитувчилик қиларди.

Ф. Жумаевнинг айтишича, марказни ташкил қилиш вақтида бир шубҳа у кишини тинч қўймаган: жиноят содир этган, бунинг устига жиноят содир этишга мойил ёшларни қаратэнинг жанговар усули билан шуғуллантириш эрта бир кун оғир оқибатларга олиб келмайдими?

Марказда ишлар бошланиб кетганидан кейин бу шубҳа ўрнини, нафақат қўриб эгаллади, балки кутилганидан ҳам зиёда натижалар кўриниб қолди: 2000 йилнинг ўтган даври ичида вояга етмаганлар томонидан биронта жиноят содир этилганлиги қайд этилмади. Демак, айтиш мумкинки, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларга барҳам беришда тўғри йўл танланди. Албатта, бу масаланинг бир томони.

Бошқа томони бундан ҳам ибратлироқ: шу йилнинг май ойда аънаваный қаратэ усули бўйича ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилигида марказда шу усулдан дарс олаётган болалар 1 та олтин, 3 та бронза медалига сазовар бўлишди. Бундан ташқари, 17 сентябрь кuni Самарқанд шаҳрида ўтказилган қаратэ турнирида 1 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медали кўлга киритилди.

Марказда сабоқ олиш истагини билдираётганлар сонининг ошиб бораётганлиги ўз-ўзидан спортнинг бошқа турларини ҳам ташкил қилишга ундади. Мана, бугун марказда 200 дан ортиқ болалар спортнинг 9 тури - қаратэ, бокс, муайтай, қўл жанги, дзю-до, миллий кураш, стол тенниси ва бодибилдинг билан шуғулланишмоқда.

Айни пайтда марказ болалари Туркменистон Республикасида ноябрь ойда бўлиб ўтатидиган Евро-Осиё II очик турнирида қатнашишга тайёргарлик кўришмоқда.

Албатта, ўқувчиларда бир ўринли савол туғилиши мумкин: шуғулланиш текинми? Йўқ. Бироқ илгари жиноят содир этиб рўйхатга олинган, жиноятга мойил, бундан ташқари кам таъминланган оила болалари марказнинг битта спорт турида текин шуғулланиши мумкин. Ўз хоҳиши билан марказда қатнашиш истагида келган бошқа болалар учун пуллик тизимга ўтилган. Ўйилган пуллар ҳисобидан байрам кунлари туман марказида мусобақалар уюштирилмоқда. Шунингдек, бу маблагнинг бир қисми марказда қатнашётган кам таъминланган оила болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, барҳам бериш йўллари кўп. Назаримда, бунинг учун Пойариқ тумани прокурори сингари тadbир топа олсак, яъни ташаббус кўрсатсак бўлгани.

ШАВКИДДИН



ЎСМИР ВА ҚОНУН

МАХСУС САҲИФА

БУ ҲАҚДА КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида-ноқ келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, етук салоҳиятли инсонлар бўлиб етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўшбу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан ҳам унинг мамлакатимиз истиқболи, юртимиз келажаги учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини ҳис этиш қийин эмас.

Келажақни кўзлаб қилинаётган бундай ишларимиз янада самарали бўлиши учун бугунги кунда олдимизда турган қатор муаммоларни ижобий ҳал этишимиз даркор. Ана шундай вазифалар қаторида аввало ёшларнинг таълим-тарбияси, ҳуқуқий муҳофазаси туради.

Жорий йилнинг 21 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»-ги Қарори қабул қилинди. Унинг Низоми тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг янги таркиби тузилди. Мазкур комиссиялар жойлардаги ҳокимликларда фаолият кўрсатиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Мақола бошида таъкидлаб ўтганимиздек, республикаимизда ёш авлод тарбиясига, уларнинг бугуни ва эртасига жиҳдий эътибор берилмоқда. Айниқса, «Таълим тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши маориф соҳасида муҳим воқеа бўлди. Нихоясига етаётган йилнинг Соғлом авлод йили деб аталishi ҳам ёшлар истиқболини ўйлаб қилинган ишлардан биридир.

Аммо бу масалаларга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилган, етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, жойлардаги аҳолини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Масалан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сувайтириб юборилган, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини муҳофаза қилиш каби масалалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этиш, гивандлик, ичкиликбозликка берилиш каби нохуш ҳоллар сезиларли даражада кўпайган. Айниқса, ёшларнинг ҳар хил диний ақида-парастлар таъсирига тушиб қолишлари уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг ўсиб бораётганлиги кузатилаётган бир вақтда, ҳокимликлар, таълим тизими, бандлик хизмати, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва бошқа масъул ташкилотлар зиммаларидаги вазифаларга совуққонлик билан қарамоқдалар. Тан олиш керак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги ишлари ҳуқуқсиз ҳал ижобий фикрлар айтиш қийин. Улар фаолиятда тар-қоқлик мавжуд.

Ўшбу ва бошқа қатор сабаблар-

га кўра, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг кескин камайишига эришилмади. Аксинча, айрим ҳудудлардаги аҳвол янада оғирлашди. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Республика бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши 12 фоизга камайганлигини ўқуриш мумкин.

ҚАМҲИҲАТЛИК

Бироқ, ўсмирлар томонидан қасддан содир қилинаётган жиноятлар билан бирга қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик ва гивандлик каби оғир жиноятлар кўпайган. Айниқса, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга ошган. Ўз-ўзидан саволлар туғилди: вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этилишга нималар сабаб бўлаёпти, уларнинг юриш-туриши, ҳулқ-атворларининг бузилишига нималар таъсир кўрсатаёпти?

Аввало шу нарсани айтиб ўтиш керакики, жиноятлар содир этилишининг асосий сабаби ишисизликдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳеч жойда ишламайдиган, ўқимайдиган ўспирин нима билан шуғулланади? Вақтини қандай ўтказди?

Айни вақтда эса вояга етмаганларни ўқишга, турли тўғарак ва машғулотларга жалб этиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ёшлар тарбияси билан жиҳдий шуғулланмаёпти. Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциялари, ҳокимликларнинг бу ишларга масъул бўлган комиссиялари ўз вазифаларини кўл үлдә бажармоқдалар.

Мустақил давлатимизга жиҳдий хавф туғдираётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидининг кучайиб бораётганлиги сир эмас. Уларнинг таъсирига ёшларнинг тушиб қолаётганлиги эса янада таъвишли ҳолатдир.

Жорий йилда диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган вояга етмаганларнинг 30 нафарига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Бундай нохуш ҳолатларнинг барчаси таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ватанпарварлик ҳисси ва миллий мафқуранини шакллантиришга етарли эъти-

бор берилмаганлиги натижасидир. Демак, булардан кўринадики, бундай салбий оқибатларни бартараф этиш учун талай ишларни амалга ошириш зарур. Аввало, ёшлар он-гиди маънавий бўшлиқни тўлдирish жоиз. Негаки, ўз ватанини севган, оиласини, маҳалласини ҳурмат қилган, қадриятлари, урф-одатларига эътиқод қўйган ёшлардан ҳеч қачон жиноятчи чиқмайди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 9648 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 6 млн.га яқин ўқувчи таълим олмақда. Фарзандларимизнинг чуккур билим олишлари, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишлари учун давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Лекин таълим соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Айрим мактабларда шарт-шароитларнинг етарли даражада эмаслиги етмагандай, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда ҳам кам-

чиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу ўринда яна бир оғрикли масала ҳусусида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. У ҳам бўлса соғлиқни сақлаш муаммосидир. Яъни, соғлиқни сақлаш идоралари томонидан вояга етмаганларни тиббий қўриқдан ўтказиш, уларни рўйхатга олиш ва соғломлаштириш борасида ишлар талаб даражасида эмас.

Жорий йилда ҳарбий хизматга чақирилган ўсмирларнинг бир қисми турли касалликка чалинганлиги сабабли даволаш учун қайтарилган, уларнинг 3 фоизга яқини эса хизматга яроқсиз, деб топишган. Бундай ҳолатларнинг асосий сабаби соғлиқни сақлаш идоралари томонидан касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларининг талаб даражасида ташкил этилмаганлигидир.

Бугунги куннинг муаммолари масалаларидан бири аҳолини иш билан таъминлаш масаласидир. Бу борада олдинда турган муаммоларни ҳал этиш юзасидан турли ишлар амалга оширилди қабилда ҳисоботлар тайёрланаётган бўлса-да, амалдаги ишлар мутлақо қониқарсиз аҳволда эканлигини кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳар йили 350 мингдан зиёд ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқдалар. Уларнинг 40 фоизга яқини кейинги босқичларда ўқишни давом эттирадilar. Қолганларининг нима ишлар билан шуғулланаётганлиги эса назоратдан четда қолмоқда. Меҳнат вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари эса бу ишларга юзани қараб келмоқда.

Ўқоридагилардан кўринадики, ёшлар, вояга етмаганларнинг билим олишлари, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида қатор муаммолар мавжуд. Демак, эндиликда расмийликларга барҳам бериш, бу ишларга масъул бўлган тегишли идоралар фаолият-



Оилавий сайр.

Р.НУРИНБЕКОВ олган сурат.

ТАРБИЯ — ҲАЁТ МАМОТ МАСАЛАСИ



«Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир». Шундай экан, у доим жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг оилаларни мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва руҳий соғлом қилиб тарбиялашга катта

аҳамият берилмоқда. Бироқ ҳозирги кун ёшларини тарбиялаш осон иш эмас. Ўз тақдирини ёшлар тарбиясига бағишлаган инсон мураккаб, қийин ва шу билан бирга нозик ишга қўл урётганлигини эсдан чиқармаслиги лозим. Бунинг бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Турли оқимларга билиб - билмай кириб қолган ёшларнинг тақдирини ҳам нобоп тарбия қилиб бериб қўймоқда.

Бугуннинг тарбиясини чуқур билим, юксак методик ва педагогик маҳорат, чин инсонпарвар ва пок қалб эгаси бўлиши лозим.

Инсон дунёга келганида пок ва беғубор бўлади. Энг яхши хислатлар — раҳм-шафқат, жасурилик ва мағрурилик, зеҳн ва эътиқод, меҳр-муҳаббат, ихлос ва имон унга ота-она томонидан юқтирилади. Халқимизда олманчи тағига олма, беҳининг тағига беҳи тушади, деб бекор айтишмайди-ку.

Бола бошидан, деган ибора ҳам ишлатилиши беҳиж эмас.

Модомики, фарзандларимизнинг илк дунёқарши оилада шаклланиб экан, ҳар бир ота-она боланинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ўсиши учун ҳамма шароитларни яратиб бериши лозим. Ҳаётда қўбилиятсиз, салоҳиятсиз бола бўлмайди, деган эди шарқ донишмандларидан бири. Қўбилият кўртаклари инсоннинг ҳаёти давомида ўзидан-ўзи барқ уриб кетавермайди, фақат қўлай шарт-шароит бўлганидагина ўзини намоян қилади.

Биз биламизки, ҳар бир ота-она боласининг жисмоний соғлом бўлиши билан бирга, ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бениқсон камол топишини истайди. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўладими? Афсуски йўқ.

Тарбия сусайиб кетса ва бола қаровсиз қолдирилса, бу ачирки мевасини бермасдан қолмайди.

Бефарқ қолдирилган болалар томонидан аксарият ҳолларда турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кузатишмоқда.

Ана шу фикрларимиздан келиб чиқиб далилларга мурожаат қилайлик. Жорий йилнинг сентябрь ойига қадар вилоятимиз ҳудудида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу мuddатига нисбатан 3 тага кўпайган. Кишини ўйга толдирадиган муаммо шуки, жиноятларнинг бир қанчаси ўсмирлар томонидан ўзаро тил бириктирилган ҳолда, ғуруҳ бўлиб содир этилганлигидир.

Масалан, шу йил 4 февралига ўтар кечаси муқаддам судланган, Жиззах тумани ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи инспекцияси ҳисобидида турган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган Ўткир Раҳматов муқаддам судланган Илҳом Раҳматуллаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро Вали Очилов ҳовлисидан велосипед ва жами 100 минг сўмлик автомашина эҳтёт қисмларини ўғирлаб олиш.

Жиззах тумани судининг 2000 йил 15 июнь кунги ҳукми билан Ўткир Раҳматов ва Раҳматуллаев Илҳом тегишли жазога тортилдилар.

Қиз боланинг кўнгли гуддан нозик. Тарбияси ундан ҳам нозик. Ота-она қиз болани энг аввало ибодили ва одобили қилиб ўлғайтириши лозим. Акс ҳолда вақт келиб нобоп тарбия олган бир қиз нафақат ўз оиласини, балки бутун маҳалласининг юзини ерга қаратиши мумкин.

1984 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган Қизларгул Мусулмонова Набижон Холбутаев томонидан ўғирланган 4700 сўмлик мол - мулкни олиб, ўғирланганлигини билгани ҳолда яшириб қўяди.

Қизларгул ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, шериги Н.Холбутаев билан 2000 йил 10 май кунги кечаси Фалларол шаҳри Самарқанд маҳалласи Янгиқўрган массивида яшовчи Р.Сулоновнинг уйига кириб, жами 11000 сўмлик мулкни ўғирлаб, ўзининг уйига олиб бориб яшириб қўяди. Ўз ота-онанинг бағрида яшаб юрган бу қиз жиноий ғуруҳ билан тил бириктириб, яна бир қанча жиноятларни содир этади. Энг қизиғи, унинг ҳамтовоқлари қўлга тушиб, тергов ҳаракатлари давом этаётган бир пайтда бундан хулоса чиқармаган Қ.Мусулмонова ўғирлик жиноятига такроран қўл уриб, 2000 йил 6 август кунги Фалларол тумани Д.Йўлдошев ширкат хўжалигига қарашли 2-Кангли қиллоғида яшовчи фуқаро Инобат Жайнақовнинг уйига кириб, у ердан 1 дона аёллар плаши, 1 дона аёллар қўйига ва бошқа буюмларни ўғирлаб воқеа жойидан қўйиб бўлади.

Қизларгулнинг бу хатти-ҳаракатини ота-онаси, маҳалла ахли тўғри баҳолаганида эди, бугун уларнинг қизи темир панжара ортида қўз ёши қилиб ўтирмаган бўларди.

Гулнора ҲАМРОЕВА,
Жиззах вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси

Бугун олдимизда турган муҳим улкан вазифалардан яна бири - бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқарши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Ислом КАРИМОВ



ЗАРУР

ридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар раислари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, прокуратура идоралари вакиллари иштирок этишлар.

Мазкур йиғилишда Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг 2000 - 2005 йилларга мўлжалланган тадбирлари дастури тасдиқланди ва кенгашда қўрилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Р.Қодиоров вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва унинг келгусида амалга оширадиган ишлари ҳусусида маъруза қилди.

Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссиялари ўз фаолиятларида асосий эътиборни йиғилишда қабул қилинган Дастурни тўла амалга оширишга қаратишлари лозим. Қилинадиган ишларнинг самарадорлиги эса жонқурликка, изланиш ва ташкилотчиликка боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, комиссия йиғилишда таъкидланганидек, ёшлар ва вояга етмаганлар ҳаётига дахлдор вазифалар бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларни ҳамжиҳатлик билан бажаришга эса ҳар бир ташкилот ва идора, мутасадди шахслар виждонан ёндашишлари шарт. Негаки, бу ишлар давлат сийсати даражасига кўтарилган ва у бевосита эртанги ҳаётимизга дахлдор вазифалардир.

Норбой БОБОЕВ,
Республика прокуратурасининг
Вояга етмаганлар ҳақидаги
қонуналарни ижро этиш устидан
назорат қилиш бўлими бошлиғи

АФСУС

ЎЗ ФАРЗАНДИДАН ВОЗ КЕЧГАН АЁЛ

она деган улуг номга муносибми?

Ёшларни нихолга ўхшатишди. Бунда катта раҳматий маъно бор. Чунки ҳеч маҳал нихол ўз-ўзидан бўй чўзиб, барқ уриб ўсавермайди.

Нихол парваришига муҳтож бўлгандай, ўсмирлар ҳам тарбияга ва меҳрга муҳтож. Парваришсиз қолган нихолдан мўл ҳосил қилиб бўлмаганидай, қаровсиз қолган ўсмирдан ҳам яхшилик қилиб бўлмайди.

Туманимизда яшовчи Дима ва Дина Барюновлар кўча боласига айланиб қолгани ҳақида прокуратурага ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга хабар келди. Аниқланишча, бу болаларнинг онаси А.Барюнова ичкиликка ружу қўйиб, фарзандлари тарбияси билан шуғулланмаган. Оқибатда болалар кўчада қолган ва хатто мактабга ҳам бормай қўйилган. А.Барюнова билан суҳбатлашганимиз-

да у фарзандларидан воз кечганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб берди. Ўн бир ёшли Е.Сабинанинг тақдирини ҳам Дина ва Диманингкига ўхшаш.

Ҳақиқатда туман суди 1984 йили туғилган Д.Авдеенковнинг жиноят ишини қўриб чиқди. У икки бир ўғирлик жиноятини содир қилган. Биринчи марта ўтган йилнинг 25 май кунги Спутник мавзесидида 6-ўйнинг ёнида автомашина ойнасини синдириб, 55 100 сўмлик нарсаларни ўғирлаб кетган. Ўғирлик молнинг таъмини тотган Дмитрий шу йилнинг 15 май кунги ҳамтовоси Темир Тихонов билан бирга яна жиноят содир қилди. Улар фуқаро Г.Ночвайга тегишли «Нексия» автомашинасидан 88 200 сўмлик буюмларни ўғирлаб кетишган. Суд ушбу жиноят ишини қўриб чиқиб, Д.Авдеенко вояга етмаганлигини, олдин

судланмаганлигини ҳисобга олиб Президентининг 2000 йил 28 августдаги Амнистия тўғрисидаги фармонига биноан уни суд залидан озод қилди.

Ушбу жиноятнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Д.Авдеенко тартибсиз оилада вояга етган. Дмитрий ақлини танигандан буён кўча боласига айланган. Жиноят қилиб, охири суднинг қора қўрсисига ўтирди. Ҳақли савол туғилади: Дмитрийга ўхшаш болаларни бу йўлдан қайтариб қилиш мумкинми? Фақат мактаб, қўни-қўшни ва маҳалла фаоллари лоқайдлик қилмаса, ҳар қандай жиноятнинг олди олинади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланувчи мутасадди идоралар зиммаларидаги вазифаларнинг талаб даражасида бақармапти. Энг ачинарлиси, ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан шуғулланувчи нозирлари кўнглидагидек ишламапти.

Бугунги кунда ёшлар ўртасидида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ҳам қанот бўлиши шарт. Ана шундангина қўлланган мақсадга эришилади.

Раҳмонберди АБДУРАҲМОНОВ,
Яккасарой тумани прокурори

ИНТЕРПОЛ РАҲБАРИЯТИ ЎЗГАРДИ

Яқинда Грецияда Интерполнинг 69-бош ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда испаниялик Хесус Эспигарес Мира мазкур ташкилотнинг янги президенти этиб сайланди.

Шу вақтгача Хесус Мира Испания полициясининг нуфузли департаментларидан бирининг директори сифатида фаолият кўрсатиб келган эди.

Интерполнинг Бош қотиби лавозимига эса ўзак йиллар давомида Нью-Йорк университетиде ишлаган, ҳуқуқшунослик фанлари профессори Рональд Нобль сайланди.

Ассамблея ишида шунингдек, Интерполнинг Америка қисмига масъул бўлган Нил Паркер ва Осиё қисми учун жавобгар Ким Жун Кёнлар вице-президентлар этиб сайланди.

Ўқориди лавозимларни эгаллаган интерполчиларнинг барчаси бутун дунёдаги жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтириш чораларини қўришларини маълум қилдилар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ


ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ШАРҲЛАР

РЕЖА АМАЛГА ОШМАДИ

Скотланд-Ярд хизматчилари томонидан «аср қароқчилиги» деб номланиши мумкин бўлган катта ўғриликнинг олди олинди ва жиноятчилар гуруҳининг бриллиантлар кўргазмасини шип-шидам қилиш режаси чиппакка чиқди.

Қуролланган жиноятчилар бульдозер ёрдамида кўргазмалар биносига шикаст етказиб, баҳоси тахминан 350 млн. фунт стерлинг турувчи 12 та бриллиантни ўғирламоқчи бўлганлар. Улар орасида чексиз гўзаллиги билан ажралиб турган, оғирлиги 203 каратли «Минг йиллик юлдузи» ҳам бўлган. Олмос қазиб чиқариш ва унга ишлов бериш билан дунёга донг кетган De Beers концерни вакили журналистлар билан бўлган суҳбатда «Минг йиллик юлдузи»ни жаҳондаги энг сифатли бриллиант деб атаган ва ҳозиргача унинг қийматини баҳолашнинг иложи бўлмаётганини таъкидлаган.

Маълум бўлишича, полиция бриллиантларни ўғирлашга тайёргарлик бўлаётганлиги хусусида олдиндан хабар топан ва жиноятчиларни ушлаш жараёнида юздан ортиқ полициячи иштирок этиб, биронта ўқ отилмасдан операция муваффақиятли якунланган.



ПОЛИЦИЯЧИЛАР ГАРОВДА

Аргентинанинг Сальта провинциясида ишсизлар ва полиция ўртасида юз берган тўқнашув оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва етти киши жароҳатланган.

Транспорт соҳасидан бўшатишган 500 га яқин ишсизлар мамлакатнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган йўл бўйлаб намойишга чиққанлар. Намойишчиларини тарқатиш мақсадида ташланган полициячилар эса ўқотар қуролларни ишга солганлар.

Бундан газабланган намоийшчилар автомобиль йўлини тўсиб қўйиб, «қизил крест» машинаси ҳамда тўрт нафар полициячини гаровга олганлар.



«ПОРШЕ»НИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Porsche компанияси айна пайтда келгуси йилда намоийш этилиши кутулаётган Porsche 911 Turbo S модели устидаги изланишларни низоҳатга етказмоқда. Мазкур автомобиль келажакда яратилгандаги айрим автомобиллар учун ўзига хос намуна бўлса ҳам ажаб эмас.

Мутахассисларнинг фикрига кўра компаниянинг янги автомобили Porsche 911 Turbo базаси замирида яратилган бўлса-да, янада қудратли ва тақомиллаштирилган двигатели билан аваллисидан ажралиб туради.

Машина двигателига электрон бошқариш тизимининг ўрнатилиши натижасида унинг қуввати янада ошиб, 460 от кучига етган. Бу эса автомобилнинг соатига 350 километр йўл босишини таъминлайди. Porsche 911 Turbo S ташқи кўриниши жиҳатдан ҳам анча салобатли ва ўзига хос чиройга эга. Унинг баҳоси эса тахминан 150 минг доллардан кам бўлмайди.

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати Буюк Британия ҳукуматида «Қўхинур» олмосини қайтариб беришни талаб этмоқда ва улар қироллик тожини безаб турган бу қимматбаҳо тошга бошқа давлатларга нисбатан эгаллик ҳуқуқи катта эканлигини таъкидламоқдалар.

Маълумки, «Қўхинур» олмоси Буюк Британияга бундан 150 йил муқаддам Ҳиндистондан келтирилган эди. Бу қимматбаҳо жавоҳирни ўзқувват олиб юриш бахти ҳеч кимга насиб қилмаган.


1937 йилда эса ҳозирги Британия қироличасининг онаси учун

ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ҲАМОН НОМАЪЛУМ

Россиянинг «Курск» атом сувоисти кемаси ҳалокатга учраган ҳудуд денгиз тубида ётган субмарина чиқариб олулунгга қадар Шимолий флот кучлари томонидан қўриланиши маълум қилинди.

Айни пайтда кема ҳалокатга учраган ҳудуд «Петр Великий» ҳамда «Горизонт» крейсерадари томонидан назорат этилмоқда. Россиялик ва норвегиялик говоселар қўқарув ишларини олиб бораётган вақтда эса мазкур ҳудуд «Адмирал Чабаненко» ва «Семен Дежнев» кемалари назорати остида эди. Шимолий флотнинг маълум қилишича, «Курск»ни сув остида қўтариш ишлари келгуси йилда бошланади.

Россия ҳарбий-денгиз кучлари қўмондониди адмирал Владимир Куроедов «Курск» атом сувоисти кемасининг ҳалокатга учрашига ҳорижий сувоисти кемаси билан бўлган тўқнашув сабаб бўлган деган фикрини ҳар томонлама исботлашга ҳаракат қилаётти.




ташлаётган фикрларим албатта исботини топади», — деб таъкидлаган В. Куроедов йиғилиш қатнашчиларига қарата.

Шунингдек, флот адмиралли ҳозирда «ёпиқ ҳудуд» атрофида чет эл сувоисти кемаси юрганилиги «Петр Великий» крейсери томонидан аниқланганлигини баён этиб, «Курск» субмаринаси ҳалокатга учраган жойда бу кема нима қилиб юрган бўлиши мумкин? деган саволни ўртага ташлаган ва у бу борада ҳам ўз нуктаи-назарини билдириб, «Курск» билан бўлган тўқнашувни тасдиқловчи далилларни яшириш ҳаракатида юрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деган.

«КЎХИНУР» ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ КУТМОҚДА

латинадан махсус тож тайёрланган келтирилган тож ёғду сочиб турган.



Айтишларича, бу жавоҳир кимнинг қўлига туша, ўша одам, асосан эркаклар бахтсизликлари йўлиқаркан. Шунга қарамай, қимматбаҳо тош ўзқувват йиллар давомида Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа юртларнинг ҳукмдорлари хазинасининг асосий бойлиги бўлиб келган.

«Кўхинур»ни инглизлар XIX асрда, Ҳиндистонга бошпана излаб қўчиб кел-

ФУСАКО ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Япония полицияси томонидан жаҳондаги энг хавфли гуруҳлардан бири — Япония Қизил армиясининг асосчиси ва раҳбари 55 ёшли Фусако Шигенбоу мамлакат гарбидеги меҳмонхоналардан бирида қўлга олинди. У қарийб 30 йилдан буён ҳуқуқ муҳофазачиларидан қочиб юрган. Энг хавфли жиноятчилар қаторида турган Шигенбоу тахминан 1971 йилда қўнқар мамлакатидан чиқиб кетган. Сабаби ўша йиллари унинг гуруҳи Фаластиндаги шў йўналишдаги гуруҳ билан алоқа ўрнатишга интилаётган эди. Шигенбоу қиёфасини ўзгартирган, меҳмонхонада бошқа фамилияда рўйхатдан ўтган бўлса-да, полициячиларни буғал қалғита олмади.

Фусако 60-йилларда муҳолифатдаги талабалар ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири бўлган, кейинчалик эса маслакдош ҳамсабоқлари билан Япония Қизил армияси гуруҳига асос солган. Армиянинг асосий мақсади мамлакатдаги монархия тизимига барҳам бериш ва жаҳон миқёсида инқилобга ҳозирлик қўриш бўлган. Уларнинг бу борадаги ҳаракатлари ватанларида муваффақиятсизликка учрайвергач, гуруҳ аъзолари Ливанга йўл олишади ва фаластинликларга қарши бўлган жангларда иштирок этишади.



Орадан бир қанча вақт ўтган, гуруҳнинг айрим аъзолари инқилобга ҳозирлик қўриш учун Колумбия ва Перу давлатларига сафар қиладилар.

Япон Қизил армиясининг катта шов-шувларга сабаб бўлган ҳаракатларидан бири 1974 йилда Гаагада содир этилган эди. Бу ерда гуруҳ аъзолари Франция элчихонасига бостириб кириб, дипломатлардан бир қанчасини гаровга оладилар. Улар Тель-Авив аэропортида ҳам қўпуровчи қилиб, 25 кишининг ҳаётига зомин бўладилар.

Япония ҳукумати Шигенбоу хонимнинг қамоққа олинишини қизгин қўллаб-қувватлади ва полиция гуруҳининг қолган аъзолари фаолиятига ҳам чек қўяди деб ишонч билдирди. Шу йилнинг бошида ҳам Ливан хавфсизлик кучлари томонидан қўлга олинган Қизил армия гуруҳининг тўрт нафар аъзоси Японияга келтирилган эди. Токио расмийлари ҳозирда эса Шимолий Корея ҳукуматидадан 1970 йилда Япония ҳаво йўлларига қарашли самолётни ўғирлаб кетган тўрт нафар Қизил армиячиларни топширишни талаб қилмоқдалар.



ҲАРБИЙ БАЗАДА

ПОРТЛАШ

Колумбиянинг Богота шаҳрида жангари гуруҳлардан бири томонидан уюштирилган қўпуровчилик ҳаракати натижасида 11 нафар тинч аҳоли жароҳатланди. Машинага ўрнатилган қўлбола портловчи қурилма ҳукумат қўшинларига қарашли ҳарбий база яқинида портлаган.

Ҳарбий қўмондонлик ушбу қўпуровчилик ҳаракатида «Миллий озодлик ҳаракати» гуруҳининг қўли борлигини маълум қилган.

ган афғон ҳукмдорларидан бирини мағлубиятга учратганларидан кейин қўлга киритганлар. Ўша пайтгача, яъни юз йилдан ортиқ вақт қимматбаҳо тош афғон зодагонлари қўлида бўлган.

«Толибонлар» «Кўхинур»нинг таърихи бундан ҳам мураккаб эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш юзасидан халқаро комиссия ташкил этиб, масалага ойдинлик киритишни талаб этаётти.

Лекин, уларнинг бу таклифини қироллик оиласи қандай қутуб олиши ҳозирча ноъмаълум бўлиб турибди.

«ВЕРСИЯ» ОФИСИДА ТИНТУВ ЎТКАЗИЛДИ

Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари «Версия» газетаси офисида Бош ҳарбий прокуратура санкцияси асосида тинтув ўтказдилар. Тинтув ўтказилишга мазкур газетани «Курск» атом сувоисти кемаси ҳалокати билан боғлиқ сурат ва материалларнинг эълон қилиниши сабаб бўлган.


Ушбу воқеадан бир неча кун илгари эса ҳафталикнинг бўлими муҳаррири Д. Филимонов ҳарбий прокуратурада сўроқ қилиниб, ундан Россия суний йўлдоши орқали олинган махфий суратни қардан олганлиги суриштирилган эди.

Сўроқдан сўнг Д. Филимонов уч нафар хавфсизлик хизмати ходими ҳамроҳлигида газета офисига келиб, суний йўлдошдан олинган махфий сурат ёзилган дискетани қидиришади. Лекин дискета сирли равишда йўқолган эди. Шундан сўнг чекистлар Д. Филимоновга тегишли компьютернинг система блокинни олиб кетадилар.

Д. Филимоновнинг тушунтиришича, номаълум бир шахс тахририятга қўнғироқ қилиб, «Курск» субмаринасининг Los Angeles типидеги Америка сувоисти кемаси билан тўқнашув тасвирланган сурат ёзилган дискета қўлига тушиб қолганлигини маълум қилиб, дискетани газета офисига ташлаб кетган экан.

Хавфсизлик ходимлари ўтказган текширишда эса суратнинг қалбаки эканлиги маълум бўлган.

KROSSWORD



Энига: 1. Шахмат бўйича XIV жаҳон чемпиони. 4. Бирон-бир нарсасга қаттиқ ишониш, умид боғлаш. 6. Самарқанд шаҳридаги мадрасалардан бирининг номи. 7. Милодий ҳисобидаги ойлardan бири. 9. Спиртли ичимлик. 10. Хийла. 13. Куролланган жиноий тўда. 14. Европадаги давлатнинг пул бирлиги. 18. Япроқ. 19. Металларда пайдо бўладиган модда. 21. Зот. 22. Кийик тури. 24. Болаларнинг витаминларга бой егулиги. 25. Кавказдаги тоғ тизмаси.

Бўйига: 1. Шимолий Америкадаги давлат. 2. Маиший техника ишлаб чиқарувчи Япониядаги фирма. 3. Қаттиқ, қалин қоғоз. 4. Судралиб юрувчи жонивор. 5. Осиёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи машхур фирма. 8. Республикалардаги сув омбори. 9. Маиший техникалари билан жаҳонга машхур Италия фирмаси. 11. Шариятда айбдорга бериладиган жазо тури. 12. Мусиқа асбоби. 15. Мангу, боқий. 16. Спорт анжومي. 17. Иқтидор, қобилият. 20. Бардош. 23. Табиат ҳодисаси.

Тузувчи: Л.НОРКУЛОВ

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 10. Саванна. 11. Ўзакдош. 12. Алахлаш. 13. Бах. 14. Чиринди. 15. Шаршара. 16. Бех. 20. «Қамолот». 21. «Титаник». 22. Айсберг. 29. Беқасам. 30. Қодирий. 31. Авлоний. 32. Ибо. 33. Стайниц. 34. Бихишти. 35. Ота. 39. Киплинг. 40. Бедарак. 41. Чигатой. 48. Вамбери. 49. Муншаот. 50. Башират. 51. Най. 52. Иброҳим. 53. Шарипов. 54. Исм. 58. Нилуфар. 59. Кийикўт. 60. Хораана.

Бўйига: 1. Чакалак. 2. Жар. 3. Андижон. 4. Озодлик. 5. Икс. 6. Қорачи. 7. Олбрайт. 8. Даҳо. 9. Мадейра. 17. «Болалар». 18. Қариқиз. 19. Аббосов. 23. Кембриж. 24. Тантана. 25. Жонбек. 26. Мичигон. 27. Австрия. 28. Биатлон. 36. Алибобо. 37. Вараша. 38. Саратон. 42. «Бавария». 43. Араблар. 44. Мукүмий. 45. Қоракўл. 46. Накорат. 47. Харсанг. 55. Хун. 56. Қир. 57. Авж.

ҚАРМОҚ

ЯШИРИН «АВТОЗАВОД»



Находкада хорижий автомобилларни йиғиш ва сотиш билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳ фош этилди. Машиналарни қалбаки ҳужжатлар билан расмийлаштиришда гуруҳ аъзоларига Хабаровск ўлкасидаги маъмурий органлардан бирининг ходими доимий равишда ердан бериб келган.

Яширин устакхонада турли йўллар билан хориждан келтирилган деталлар асосида машиналар йиғилган. Шундай тартибда йиғилган жип машиналари харидорларга 20 минг долларга сотилган. Буни қарангки, Япониядан шу турдаги машинани олиб келганлик учун давлатга тўланадиган бож миқдорининг ўзи 20 минг долларни ташкил этаркан.

Жиноий гуруҳ аъзолари ярим йил давомда яширинча йиғилган 50 дан ортқ жип, BMW ва Mercedes машиналарини сохта ҳужжатлар билан харидорларга сотишга муваффақ бўлганлар.

ҚАҲ — ҚАҲА

Ахвледианини беролмайман...

Грузин ресторанида мижоз узок вақт таомномага қараб турди-да, официантга буюрди:

- Илтимос, менга икки порц Ахвледиани келтирсангиз.
- Бунинг иложи йўқ.
- Нима учун?
- Чунки, Ахвледиани бизнинг директоромиз.

Бола отасидан илтимос қилапти:

- Дада, циркка борайлик.
- Умуман беролмайман, — дейди бунга жавобан отаси. — Ишларим кўпайиб кетди.

— Бир мартагина борайлик, жуда қизиқ томошалар кўрсатилаётган экан. Кеча ўртоғим борибди, унинг айтишича, бир чиройли аёл йўлбарс билан томошалар кўрсатаётган экан.

— Шунақами? Унда борамиз, мен анчадан буён йўлбарсларни кўрмаган эдим.

Бир муғомбир одам автобусга чиқиб, ҳазин овозда:

— Илтимос, СПИД касалига чалинган одамга жой беринглар. Йе, нега бундай қилаёсизлар, мен биттагина жой сўрадим-ку, ахир.

Икки ака-ука отасининг юбилей оқсомига машинада шошилиб кетаяпти. Улар темирйўлдан ўтиш жойига яқинлашди.

— Сен унга кара, мен чап томонга қарайман, — деди улардан бири. Иккаласи шундай қилишди ва бир зумдан кейин қаттиқ тўқнашув содир бўлди. Пачоқланган машинадан чиқаётган ака-укалардан бири шундай дедяпти:

— Машинага яна бир кишини олиш керак экан. Йўлнинг икки томонига қарабмизу, шлагбаум ёпиқлигига эътибор бермабмиз-да.

Она ўғлининг ўқитувчисига танбех берапти:

— Бир шиша пиво 37 тийин туради, деган масалани ўғлимга қаёқдан олиб бердингиз. Бундан тўққинланган унинг отаси кечаси билан мижжа қокмай чиқди.

СПОРТ

ИККИНЧИ БОСҚИЧ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНАДИ

Ўтган ҳафта жума куни Женевада чемпионлар лигасининг иккинчи bosқичи учун саралаш бўлиб ўтди. Унга кўра Германиянинг «Бавария», Англиянинг «Арсенал» ва французларнинг «Лион» жамоалари билан бирга Москвадан «Спартак» жамоаси ҳам чемпионлар лигасининг иккинчи bosқичида С гуруҳида ўзаро беллашдилар.

А гуруҳида эса «Валенсия», «Штурм», «Манчестер Юнайтед» ва «Олимпикос» жамоалари, В гуруҳида «Милан», «Пари-Сен-Жермен», «Депортиво» ҳамда Галатасарой жамоалари голиблик учун курашадилар.

Иккинчи bosқичдаги биринчи ўйин 22 ноябрь куни бўлиб ўтади. Кейинги куни эса «Спартак»чилар ўз майдонларида «Арсенал» жамоасини қабул қиладилар.

САФИН ЯНА ЖАҲОННИНГ БИРИНЧИ РАКЕТКАСИ


Россиялик теннисчи Марат Сафин St. Petersburg Open турнири финалида швед теннисчиси Йонас Бьоркманни икки сет якунлари бўйича 6:4, 6:4 ҳисобида мағлуб этиб, турнир голиблигини қўлга киритди. Беллашув якунланиши билан АТРнинг расмий вакиллари Марат Сафин жаҳон теннис рейтингига яна биринчи ўринга чиқиб олганлигини эълон қилишди.

ОЛИМПИАДА НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Истамбулда ўтказилган шахмат бўйича Олимпиада ҳам ниҳоясига етди. Немислардан сўнг иккинчи ўринда бораётган Россиянинг эркаклар терма жамоаси охирга турда грузинлар билан 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришди ва ярим очко фарк билан немис шахматчиларидан ўзиб кетишди. Шундай қилиб Олимпиадада германияликлар иккинчи, грузиялик шахматчилар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Ватанимиз вакиллари эса бу нуфузли мусобақада 24-ўрин билан кифояланишди, холос.

Аёллар турнирида эса биринчи ўрин хитойлик шахматчиларга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Грузия ва Россия шахматчилари қўлга киритишди.



Екадош қоялар.

РИНГ



ТАЙСОННИ РИНГГА ЧОРЛАБ...

12 мингдан зиёд томошабин йиғилган «Манделей бей» отелида бўлиб ўтган жангда галаба қозонган Леннокс Луис чемпионлик камарини яна ўзида сақлаб қолди. Профессинал бокс бўйича оғир вазнилар ўртасидаги жаҳон чемпиони камари учун бўлиб ўтган жангда самолик боксчи Девид Туа чемпионга очколар ҳисобида ютқазиб қўйди.

Ушбу галабасидан илҳомланиб кетган Британиялик Луис навбатдаги жангини тирик афсона - Майк Тайсон билан ўтказишга тайёр эканлигини эълон қилди. Гап-сўзларига қараганда Луис Тайсонни ҳам мағлуб этишга тайёр. Албатта, буни вақт кўрсатади. Луиснинг мураббийси ҳам «Тайсон Луиснинг чемпионлик камари ўзида бўлишини хоҳлар экан, марҳамат келсин, ютсин, олсин», деганида ўз шоғирдини рингда Тайсон билан яна учрашишини хоҳлаган кўринади.

Би-би-си тарқатган хабарларга қараганда, Леннокс Луис ва Майк Тайсон ўртасидаги жанг янги йилнинг бошларида Хитойда бўлиб ўтиш кутилмоқда.


ШУНАҚА ГАПЛАР

СОРКАРНИНГ ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАРИ

Сайёрамиздаги энг нафис ва энг гўзал меъморчилик обидаларидан бири бўлган Тож Маҳал мажмуаси кичик Соркар афсунгар исмли ҳинд сеҳргарининг енгил бир ҳаракати билан минглаб томошобинларнинг кўз ўнгига бир зумда ғойиб бўлди.

Орадан икки минут ўтгач, сеҳргарнинг Манека исмли қизи обидани яна жойига «қайтарди».

— Бу шунчаки оммавий гипноз эмас, — дейди ўз ишдан мамнун ҳолда кичик Соркар. — Мен оддий йул билан одамларни Тож Маҳални кўришдан маҳрум этиб қўйдим, холос.



Кичик Соркар бундай ғаройиб томошалар кўрсатишини 1992 йилда бошлаган. Ўшанда у темир йул устида турган поездни, сўнгра Калькуттадаги Виктория мемориалини сеҳрли сўзлар билан «йўқ» қилган эди. Япония аэропортида эса ҳамма кўриб турган самолётни «ғойиб» қилиб, шухрат қозонганди.

СОЛТРИОЗАВР, АЛЛОЗАВР - ИККАЛАСИ ҲАМ ДИНОЗАВР

Италиянинг шимолида тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар шу пайтгача фанда номалум бўлган динозавр қолдиқларини топишга муваффақ бўлганлар.

Узунлиги 8 метр, оғирлиги эса бир тоннага яқин бўлган бу жонивор тахминан 200 миллион йил муқаддам ер остида қолиб кетган экан. Палеонтологлар уни топишган жойининг номидан келиб чиққан ҳолда солтриозавр деб аташди.

— Солтриозавр энг қадимий уч панжали динозаврлардан эканлигига шубҳа йўқ, — дейди тадқиқотчилардан бири Кристиано Дал Сассо. Олимларимиз ҳайвоннинг жасадларини ўрганиб, у энг ривожланган йиртқич динозаврлар синфига мансуб эканлигини исботлашди. Солтриозаврнинг йирик, ўткир жағ тишлари, уч панжали бақувват оёқлари ҳам шундан далолат беради.

Шу пайтгача эса америкалик олимлар томонидан 1994 йилда Антарктида экспедицияси вақтида топишган аллозавр қолдиқлари фанда маълум бўлган энг қадимий йиртқич динозавр ҳисобланарди. Италиядан топишган солтриозаврнинг ёши америкалик олимлар кашф этган аллозаврникидан 20 миллион йил катта экан.

«ТИТАНИК» БИЛАН ТЕНГЛАШАДИ

Францияда шу пайтгача мавжуд бўлган сайёҳлик кемаларининг энг каттаси — Queen Mary 2 деб номланган денгиз машинасини куриш ишлари давом этмоқда.

Америкалик муҳандислар томонидан лойиҳалаштирилган лайнер корпусининг узунлиги 345 метрни ташкил этади, баландлиги эса 21 қаватли бинога тенг бўлади. Queen Mary 2 га бирваракайига 3 минг йўловчи жойлашиши мумкин. Сув ситими 150 минг тонна бўлган мазкур лайнер соатига 30 узел йўл босади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи М. Ирматовга опаси

Маъруфат ИРМАТОВАнинг бевақф вафот этганини муносабати билан кўчур таъзия издор қилади.